



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
21 июнь
ЧОРШАНБА
№ 48
(11.851)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

Ўртачирчиқ — Тошкент вилоятининг биринчилар қатори ташкил топган туманларидан бири. Унинг вилоят таркибида маъмурий-ҳудудий тузилма сифатида шаклланиб, фаолият бошлаганига саксон йил бўлапти.

Мустақилликнинг 15 йиллиги

Ўртачирчиқ тумани:

ИСЛОҲОТ ОЧАЁТГАН ИСТИҚБОЛ БУЛОҚЛАРИ

Бироқ, Ўртачирчиқнинг вилоятдаги ўзига хос макеи ва иқтисодий салоҳиятини белгилайдиган асосий хусусияти унинг ҳам ҳудудий, ҳам халқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш тармоқлари ривожини жиҳатидан энг йирик туманлардан бири эканлигидир. Қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилаётган ер майдонининг ўзи 32,6 минг гектар. Шундан 27 минг 768 гектари сугорилиб, экин экиладиган ерлардир.

Бугунги кунда тумандаги жами 102 та аҳоли истиқомат жойларида турли миллатга мансуб 166 мингдан зиёд аҳоли яшаб меҳнат қилмоқда. Туман маркази Тўйтепа замонавий шаҳарча тусини олган. Бошқача қилиб айтганда, ҳозир бу ерда 35 мингдан зиёд «шаҳарлик» фуқаро истиқомат қилади. Қарийб 130 минг киши эса қишлоқларда яшайди.

Мустақиллик шарофати билан бутун мамлакатда юз бераётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ўзгаришлар, янгиланишлар бу тумани ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Айниқса, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари тизими кейинги йилларда анча кенгайиб, ўз фаолиятини такомиллаштириб бормоқда. Ҳозир туманда 3 та шаҳарча ва 13 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари, 132 та маҳалла кўмиталари исчи фаолият олиб бормоқда.

Қишлоқда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва янада жадаллаштириш ҳамда аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга қаратилган Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ижроси муносабати билан қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирувчи тўзилмаларни бозор иқтисодиёти талабларига мослаб ўзгартирилаётгани, ижтимоий-маи-

ший хизмат кўрсатиш тизимлари кенгайиб бораётгани, шунингдек, жойларда кўплаб янги қишлоқ инфра-тузилмалари пайдо бўлаётгани аҳолининг бандлиги масаласини устувор вази-фалардан бири қилиб қўймоқда, меҳнат ресурслари ва ишчи кучларини талаб-эҳтиёжга қараб тўғри ва оқилона тақсимлаш заруратини тақозо этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, табиийки, аҳолининг асосий қисми, яъни 10 мингдан зиёд қишлоқ аҳли бевосита фермер ҳўжаликлари далаларида маҳсулот етиштириш билан шуғулланмоқда. 950 дан зиёд аҳоли саноатда, 225 киши кичик бизнес



ва хусусий тадбиркорлик субъектларида, 365 киши қурилишда меҳнат қилаётган. Меҳнатга яроқли аҳолининг қолган қисми халқ таълими, соғлиқни сақлаш, савдо ва умумий овқатланиш, маданият соҳаларида хизмат кўрсатмоқда.

Саноат ишлаб чиқариши, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтиришга қаратилган дастурий чора-тадбирларни амалга оширишни бу йил ҳам исчи давом эттиришга ҳаракат қилинмоқда. Рақамлар тили билан айтганда, саноат корхоналарида йилнинг биринчи чорагидаёқ



га нисбатан ўсиш 59,6 фоизи ташкил этди. Қишлоқ ҳўжалиги, саноат, савдо ва маиший хизмат соҳаларидаги ривожланиш туманда аҳоли бандлиги масаласини муваффақиятли ҳал этиш ва ишчиларнинг барқарор камайириб бориш имконини бермоқда. Чунончи, бандлик дастури бўйича йилнинг биринчи чорагида 342 та янги иш ўринлари ташкил этилиши лозим эди. Амалда эса 731 та иш жойи очилди. Шуниси диққатга сазоворки, янги иш ўринларининг 710 таси ёки 97,3 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кўпайтириш ва улар фаолиятини кенгайтириш ҳисобига яратилди. Дарвоқе, йилнинг биринчи чорагида 138 та тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинди, режа 276 фоиз қилиб бажарилди.

Таъкидлаш жоизки, туманининг барча жабҳаларида кечаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва жадаллаштириш учун бор имкониятларни ишга солишга ҳаракат қилинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, туманининг барча жабҳаларида кечаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва жадаллаштириш учун бор имкониятларни ишга солишга ҳаракат қилинмоқда.

СУРАТДА: «Орзу» супермаркети туман марказида фаолият юритаётган замонавий кўринишдаги янги савдо мажмуаси ҳисобланиб, бу ерда уй жиҳозлари, ҳўжалик моллари ва кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари сотилади.

6,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Савдода товар айланмаси 7,9 миллиард сўмга етиб, ўтган йилдагига нисбатан 8,8 фоиз ўсшига эришилди. Шу даврда 165,5 миллион сўмлик маиший хизмат кўрсатилиб, ўтган йилдаги-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида

Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда кутубхона тармоғини ташкил қилишни такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий кадрларни сақлаб қолишга йўналтирилган принципага янги ахборот марказларини барпо этиш, шунингдек, аҳолини янада кенгроқ ва тизимли ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:
- Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кутубхоналарини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ОУМТВ-нинг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ихтиёрига ўтказиш йўли билан олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари ҳузурида ахборот-ресурс марказларини тузиш;
- Қорақалпоғистон Республикасининг Республика кутубхонаси, вилоятлар илмий-универсал кутубхоналари, шунингдек, Тошкент шаҳар марказий кутубхонаси

негизда идоравий жиҳатдан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига бўйсунувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказларини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар ахборот-ресурс марказларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:
- таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам таълим олиши ва мустақил равишда таълим олишига кўмаклашиш;
- миллий маънавий-ахлоқий кадрларни кенг

қўламда тарғиб қилиш, халқнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлишини таъминлаш, маънавий бой ва уйғун камол топган шахснинг ижодий ўсиши учун имконият яратиш бериш;

янги ахборот технологиялари (маълумотлар электрон базалари, интернет ресурслари) асосида аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш; маданий, таълим, ахборот ҳамда бошқа дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун таълим муассасалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Ахборот-кутубхона мар-

(Давоми 2-бетда).

Фуқаролар йиғинларида сайлов

ЭЛ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНИШ ОСОН ЭМАС

Ҳадемай фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови яқунланади. Оҳангарон туманида ҳам бу тадбир очик, ошкоралик ва демократик тамойиллар асосида ўтказилди.

— Ҳозирги кунда тумандаги 93 та маҳалланинг барчасида сайлов муваффақиятли ўтгалди, — дейди туман сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссия раиси Гулчехра Пўлатова. — Ҳар бир маҳалла, фуқаролар йиғинларида сайловчиларнинг хо-ҳиш-истаклари, талаб ва тақлифлари эътиборга олинган ҳолда муносиб номзодлар сайланди. Шулардан 33 нафари янги номзодлар, 60 нафари эса халқ ишончини қозонган, ўз ўрнига қайтадан сайланган оқсоқоллардир. Сайлов жараёнининг эътиборли жиҳатларидан бири шу бўлдики, фуқаролар ўзлари яшаб турган ҳудуд, маҳалла, қишлоқ ё шаҳарча бўлсин, унинг тақдири, истиқболу учун қайғуради, бу борада ўз мулоҳазаларини очик-ойдин айта олади.

Телов қишлоқ фуқаролар йиғинида 13688 киши, 8 та маҳалла, 1984 та хонадон бўлиб, уларнинг ўзига яраша ташвишлари, муаммолари бор. Шу билан биргаликда аҳоли дардига малҳам бўлиб, оғирини энгил қилаётган Бахриддин Ортиқовдек жонқуяр, фидойи оқсоқоллари борлигидан фахрланиб сўзловчи ҳамқишлоқлар ҳам йўқ эмас. Қишлоққа ичимлик суви келтиришда жонбозлик кўрсатган Бахриддин Ортиқов хонадонлари газлаштириш бора-сида ҳам самарали меҳнат қилди. Ҳозирги кунда кўпгина хонадонлар газлаштириб бўлинди. 7 та умумтаълим мактаби, 2 та қишлоқ врачлик пункти, 5 та кутубхона, 150 дан ортиқ фермер ҳўжалиги фаолият юритмоқда.

Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.



КОЛЛЕЖДА МЕҲНАТ БОЗОРИ

Бу йил Тошкент туманидаги ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежини 205 нафар ўқувчи битиради.

Шу муносабат билан коллежда меҳнат анжумани ва ярмаркаси ташкил этилди. Тадбир туман меҳнат бўлими, ахборот-маслаҳат маркази ҳамда коллеж маъмурияти ҳамкорлигида уюштирилди.

Унинг ишида туман ташкилот ва корхоналаридаги мавжуд бўш ўринлар, улардаги имкониятлар ҳусусида савол-жавоблар бўлиб ўтди. Шунингдек, ижтимоий муҳофазга муҳтож ҳамда иш топишга қийналаётганларга алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидланди.

Феруза ТўРАЕВА.

НАВБАТ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА

«Энг намунали касаб уюшма ташкилотчиси» танловининг вилоят босқичида Ўртачирчиқ туманидаги 3-умумтаълим мактабининг касаб уюшма кўмитаси раиси Мухаббат Мунавварова голиб деб топилди.

Танловнинг барча шартларини муваффақиятли бажарган жамоатчи аёл ҳомийлар сифоси ва танловнинг республика босқичига йўллангани кўлга киритди.

Мўмин ИБОДОВ.

ВАКИЛЛАРИМИЗ ГОЛИБ

Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежида қўл жанги бўйича Республика Ички ишлар вазирлиги чемпионати бўлиб ўтди.

Унда вазирликнинг таълим муассасалари ва барча вилоятлар ички ишлар бошқармаси жамоалари иштирок этди.

Чемпионат якунига кўра, фахрли биринчи ўринни эгаллаган вилоятимиз терма жамоаси 1-даражали диплом, кубок ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди.

Шерали АНВАРОВ, вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот маркази катта инспектори.

Галла — 2006

ХИРМОНГА БАРАКА КИРМОҚДА

Вилоятимизнинг аксарият туманларида галла ўрми мавсуми ҳал қилувчи паллага кирди. Мавсум ҳар томонлама уюшқоқлик ва юксак ташкилотчилик билан ўтказилаётган туманларда белгиланган давлат топширининг 75-80 фоизи миқдорда дон тайёрланиб, катта меҳнат зафари сари тобора яқинлашилмоқда.

Хусусан, карвонбошиликни қўлдан бермай келаётган бекободлик галлакорлар кечаги кунгача давлат омборларига салкам 26 минг тоннага яқин бугдой тўқдилар. Бу шартнома режасининг қарийб 80 фоизи адо этилди, деганидир.

Шунингдек, Тошкент, Занғиота, Бўка, Ўртачирчиқ, Куйичирчиқ, Қибрай, Юқоричирчиқ, Чиноз тумани галлакорлари ҳам ҳар кунни ганимат билиб, машаққатли меҳнатлар авазига етиштирилган ҳосилни тезроқ саранжомлаб олишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Бу туманлар галлазорларидан кунига шартнома режасининг 4-6 фоизи

вақтда галла майдонларига 250 та ўрим агрегатлари, шу жумладан, 177 та «Кейс» комбайнлари сафарбар этилган. Айниқса, Пскент, Куйичирчиқ, Ўртачирчиқ каби туманларда «Кейс» комбайнларининг иш унуми юқори бўлмоқда. Уларнинг ҳар бирида кунига 17-19 гектар майдондаги галлани ўриб-янчиб олишга муваффақ бўлинмоқда.

Жойларда мавсумга сафарбар этилган барча меҳнаткашларга қулай иш шартнолари яратиш, хусусан, уларни озиқ-овқат ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш, шунингдек, техника ва ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш маҳаллий ҳокимлик, тегишли ширкат ва фермер ҳўжаликлари мутасаддиларининг доимий эътиборида бўлмоқда.

Ҳайрат ШЕРАЛОВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.



Куйичирчиқ туманидаги «Исроил» фермер ҳўжалигида бу йил 62 гектар майдонда галладан мўл ва эртаки ҳосил етиштирилди. Ташкил топганига 10 йилдан ошган ҳўжалик деҳқонлари ўтган вақт мобайнида галлачиликда ўзига хос тажриба эгаллаб улгурдилар.

— Дастлабки йиллар ҳосилдорлик 30-32 центнер атрофида эди, — дейди фермер ҳўжалиги раҳбари Маҳкамхўжа Турагалов. — Деҳқончиликка иштиёқимиз ва унинг ортидаги манфаатдорлик ҳисси, хусусан, аъзоларимизнинг меҳнатига кўрсатилаётган рағбат ҳамда эътиборнинг мунтазам ошиб бораётганига яраша самарадорлик ҳам юқори бўлмоқда. Хусусан, бу йил ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга муваффақ бўлдик.

СУРАТДА: «Исроил» фермер ҳўжалиги раҳбари Маҳкамхўжа Турагалов галлазорда.

Даврон АҲМАД Ўлган суратлар.



Оҳангарон туманида фермер Ҳайдарали Ҳўжамбердиевни тажрибали деҳқон сифатида яхши танишадди. Бу мавсум ҳам унинг 18 гектар даласида ҳосил етиштирилди.

— Айни кезде ўрим-йиғим қизгин давом этмоқда, — дейди фермер. — 80 тонналик хирмон кўтаришни мақсад қилганмиз.

Ҳар кунни ганимат билган фермер бугдойдан бўшаган ерларни пешма-пеш шудгорлаб, такрорий экин экишга ҳозирлик қўрмоқда.

СУРАТДА: (чапдан) фермер Ҳайдарали Ҳўжамбердиев ва ҳўжалик аъзоси Баҳром Иброҳимов бошқоқлар саломини чамалашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида

казлари зиммасига: аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни сифат жиҳатидан янг даражага кўтариш, унинг илмий, таълим, ахборот ва маданият соҳасидаги қизиқишларини замонавий ахборот технологиялари асосида тезкорлик билан қондириш;

ги ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги иштироғида бепул ўтказишни ҳамда улар оқилона қайта ташкил этилишини; икки ой муддатда барча кутубхона фондларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда қайта рўйхатдан ўтказиш учун эксперт комиссиялари тузилишини;

дий-техника базасини мустақамлашга кўмаклаштишни таъминласин. 7. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги зиммасига: ахборот-кутубхона марказларини белгиланган тартибда "ZiyoNET" ахборот тармоғига бошқичма-бошқич улаш ва уларнинг ресурсларига аҳоли кенг қатламларининг киришини таъминлаш;

армон соҳа вакиллари учун мўлжалланган. Беш ой давомида иштирокчилар япониялик мутахассислар ёрдамида замонавий бизнес ва бу соҳадаги халқаро тажрибаларни ўрганишди. Тадбирда ўтган давр давомида эришилган ютуқлар, навбатдаги бизнес курси ва унинг шартлари ҳақида маълумотлар берилди. Машгулотлар шу йилнинг сентябрь ойида бошланади. Ҳужжатларни қабул қилиш 30 июлга қадар давом этади.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Куйичирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» хусусий корхонаси иш фаолиятини бошлаганига бир йил бўлди. Айни ёз кунлари Варган Арутюнов бошчилигидаги ишчи-хизматчилар тайёрлаган маҳсулотларга талаб кучайиб бормоқда. Бу ерда 5 хилдаги тотли чанқовбосди ичимликлар ва маъданли сув ишлаб чиқарилмоқда. Пломбир ва мевали музқаймоқлар эса анча харидорғир бўлиб қолди. Хозир асосан Тошкент ҳамда Сирдарё вилоятларидаги мижозларга маҳсулот етказиб берилаяпти. Келгусида улар сафи бир неча баравар ортиши режалаштирилган.



Суратда: ишчи Мақсуда Абдуллаева тайёр музқаймоқларни жўнатишга хозирламоқда.

Дастур ва ижро

ИШ ҲАҚИҚАТИ

Бозор иқтисодиёти шартларида ишлашга ўтиш даврида ишсизликнинг бўлиши табиий ҳолатдир. Ҳозирги вақтда энг долзарб бўлган бу муаммони ҳал этиш нафақат иқтисодий, шу билан бирга ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга.

Чунки, у халқимиз турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш билан боғлиқдир. Мамлакатимизда узоқ муддатга мўлжаллаб амалга оширилаётган «Бандлик» дастури шу мақсадга қаратилган.

Вилоятимизда ишсизлик муаммосини ҳал қилишга ёрдам берадиган омиллардан кенг ва оқилона фойдаланишга эътибор кўчирилмоқда. Аксарият шахар ва туман ҳокимликлари, саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, муассасалар, кичик бизнес ва тадбиркорлик тузилмаларида янги иш ўринлари барпо этишда ижобий натижага эришилди.

Тула қувват билан ишламаётган айрим корхоналарда мавжуд имкониятлардан мукамал фойдаланишга эришиш туфайли янги ишчи ўринларини яратиш топшириғи 197,3 фоиз бажарилди.

Шунингдек, фермер хўжалиқлари ҳам бу борадаги режани 187,8 фоиз қилиб адо этдилар.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

Республика Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан қасаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар туфайли биринчи чоракда қасаначилик бўйича 263 та иш ўрни яратилиб, шундан 204 тасига хотин-қизлар жалб қилинди.

Вилоятимиздаги барча шахар ва туманларда «Бандлик» дастурини амалга оширишга жиддий ва давр талабини тўла ҳисобга олиб иш-ишчиларга мўлжаллаб амалга оширилган янада салмоқли бўларди, қўшимча минглаб янги иш ўринлари яратилган ва фуқароларни ижтимоий фойдаланиш мекнатга кенгроқ жалб қилинарди.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Дастурнинг бажарилишини таъминлаш режаларини бажармаётган айрим шахар ва туманлар, корхона ва ташкилотлар, хўжалиқлар ишсизлик кескин камайтиришга тўсқинлик қилмоқда. Чунки, йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида Охангарон ва Янгийўл шахарларида бу иш билан умуман шуғулланилмаган.

Корхоналарни қайта қуриш ва кенгайтириш ҳисобига янги ишчи ўринларини яратиш юзасидан топшириқлар ўлда-жўлда бажарилмаётган шахар ва туманлар ҳам йўқ эмас. Бу соҳада Чирчиқ ва Янгийўл шахарлари, Бўқа ва Чиноз туманлари бошқаларга «намуна» бўлмоқдалар.

Илнинг биринчи чорагида «Хотин-қизларни иш билан таъминлаш юзасидан 2005-2007 йилларга мўлжалланган

Дастурнинг бажарилишини таъминлаш режаларини бажармаётган айрим шахар ва туманлар, корхона ва ташкилотлар, хўжалиқлар ишсизлик кескин камайтиришга тўсқинлик қилмоқда. Чунки, йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида Охангарон ва Янгийўл шахарларида бу иш билан умуман шуғулланилмаган.

Кичик корхона ва микрофирмалар очиб ҳисобига амалда эришилганидан анча кўп янги иш ўринлари ташкил этилиши мумкин эди. Лекин Бекобод, Бўқа ва Охангарон туманларида режаларнинг жуда суст бажарилгани бунга йўл қўймади.

И. КАРИМОВ.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Муносиб РАЖАББЎЙ қизи.

НАЗАРИЙ БИЛИМЛАР АМАЛИЁТДА

Охангарон туманидаги Нуробод қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёт қасб-хўна қоллежи ўтган йили 17 гектар экин майдонидан 9,5 тонна галпа, 3,5 тонна маккажўҳори, 1,5 тонна қўнғабўқар дони йиғиштириб олиб, 10 миллион сўм даромад қўрди.

Шунинг ҳисобидан бу йил коллежнинг 45 ўринли ётоқхона биноси таъмирланди, канализация ва иситиш тармоқлари янгиланди. Бир гектардан зиёд майдонга эга тажриба участкасида етиштирилган полиз ва сабзавот маҳсулотлари эса коллеж оқимонаси эҳтиёжини таъминлаётди.

Фан олимпиадаларида, спорт мусобақаларида, амалиётларда фаол қатнашаётган ўқувчилар коллеж маъмурияти томонидан рағбатлантирилган. Яқинда коллежда маҳалла қўмиталари билан биргаликда «Маҳалламиз ёшлари» кўрик-танлови ўтказилди. Унга ақин маҳалладан иштирок этган жамоалар ўртасида Тут маҳалласи ёшлари биринчи ўринни олишди.

Муносиб РАЖАББЎЙ қизи.

Мустақилликнинг 15 йиллиги

2. ТАДБИРКОРЛИК ХОНАДОНЛАРГА КИРИБ БОРАЯПТИ

Қишлоқда саноатни олиб кириш — янги гап эмас. Собик тузум даврида ҳам бу масала қайта-қайта тилга олинган, газеталарда тез-тез ёзилган. Бироқ, у пайтлардаги ижтимоий-сиёсий тузумнинг ҳам, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тизимининг ҳам даврга хос жиҳатлари саноатни қишлоқда олиб киришга тўлиқ изн беравермасди, сўздан амалий ишга ўтиш турли тўсиқларга дуч келарди.

Ўртачирчиқ тумани: ИСЛОҲОТ ОЧАЁТГАН ИСТИҚБОЛ БУЛОҚЛАРИ

нинг экспорт салоҳиятига, айниқса, катта ҳисса қўшмоқда. Утган йили корхона 26 минг 777 тонна пахта ҳосилини қабул қилиб олиб, 600 тонна уруғлик чигит тайёрлади. Еф-мой комбинатларига 12,5 минг тонна чигит жўнатди. Ишлаб чиқарилган 8670 тонна, яъни 10 миллиард сўмликдан зиёд пахта толасининг ҳаммаси четга экспорт қилинди.

— Бу йил 4 та ширкат ва 280 та фермер хўжалиги билан 29 минг тонна пахта хом ашёси қабул қилиш юзасидан шартнома тузганмиз, — дейди корхона раҳбари Абдужаббор Умаров. — Ҳозир янги мавсумга тайёргарлик ишлари якунланмоқда. Барча техника воситалари таъмирдан чиқариб қўйилди.

Фақат мустақилликка эришилиб, ҳамма жабҳаларда иқтисодий ислохотлар кенг қулоч ёйиб, чуқурлашиб борган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун зарур шарт-шароитлар яратилган, қишлоқларда ҳам хусусий корхоналар пайдо бўла бошлади. Чет эл инвестицияларини кiritиш ҳисобига янги қўшма корхоналар барпо этиш тўғрисидаги фармон ва қарорлар эса кўплаб қишлоқ туманларида қўшма корхоналар очилишига ҳам ҳуқуқий, ҳам моддий имкониятлар яратди. Айни вақтда Ўртачирчиқ туманида 3 та йирик ва 29 та кичик саноат корхоналари маҳсулот ишлаб чиқармоқда. 6 та қўшма корхона барқарор фаолият юритмоқда.

Кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сафини кенгайтириш, улар фаолиятини кенг йўлга қўйиш учун ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига устуворлик берилмоқда. Аниқ мақсадларга қаратилган бундай саъй-ҳаракатлар беиз кетмаяпти, албатта. Бугунги кунга келиб туманда рўйхатга олинган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 1169 тага етди. Шундан



СУРАТЛАРДА: «Бунёдкор» хусусий қурилиш фирмаси иш юритувчиси (ўртада) Исроил Юнусов 11-умумтаълим мактабида амалга оширилаётган янги қурилиш ва реконструкция ишлари бўйича қурувчилар билан маслаҳатлашаёпти; «Хунарманд» тивув цехи бошлиғи Юлдуз Қўзибоева (чапдан иккинчи) цех аъзолари билан.

қилаётган маҳаллий аҳоли сони 820 кишидан ошди. Бу корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотлар тури 20 хилга етди. Утган даврда 66,1 минг АҚШ доллари микдоридаги маҳсулот экспорт қилинди. Швейцария билан ҳамкорликда ташкил этилган «ТSЛ-KARASUPAXTA» қўшма корхонаси туман

1058 таси микрофирма ва 111 таси кичик корхоналардир. Республика Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан қасаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш

қўшма корхоналар хусусида тўхталиб, айтиш жоизки, ҳозир шундай корхоналардан 3 таси ўз фаолиятини тўхтатган, яна учтаси вақтинча иш юритмаяпти. Ишлаб турган 6 та қўшма корхонада эса, шу йилнинг тўрт ойи давомида жами 4,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Уларда доимий меҳнат

ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони изчил амалга оширилмоқда. Тадбиркорликнинг энг оммавий тури бўлган қасаначилик бугун тумандаги ўнлаб қишлоқларга дадил кириб бораёпти. Масалан, Ангор қишлоқ фуқаролар йиғини худудини ўзида уч киши қасаначилик билан мумкин шуғулланмоқда. Сандиқчи Жасур Умрзоқов билан бешикчи Роза Умрзоқова туман ҳамда Олмалик ва Охангарон шахар бозорлари маъмуриятлари билан шартнома тузиб, ўз маҳсулотларини пешма-пеш етказиб беришмоқда.

— Халқаро ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларига қарамай, бугунги кунда дунёда ҳамон «олови нукталар», худудий ва минтақавий низолар, миллий ва диний зиддиятлар хавфи, иқтисодий ва ижтимоий

таҳдидлар сақланиб турибди, — деди Президентимиз. — Афғонистондаги беқарорлик, гиёҳванд моддалар ишлаб чиқаришнинг ҳамма ортаётгани, мамлакатдаги халқаро коалиция кучларининг бу иллатларга қарши ҳаракатлари қўтилган натижани бермаётгани жиддий ташвиш туғдирмоқда.

Муносабат ФАРЗАНДЛАР ЮРТГА МУНОСИБ БЎЛСИН

Биз ҳарбиймиз. Шунинг учун бўлса керак, юртимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ривожининг бош омилли бўлган тинчлик, осудалик масалаларига бефарқ қаролмаймиз.

Бироқ ҳозир дунёда рўй бераётган нохуш ҳодисалар, жаҳон ҳамжамиятини ўйлантираётган жиддий муаммолар мавжуд экан, нафақат ҳарбийлар ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, балки шу муқаддас тупроқ, она-Ватан фарзандиман деган ҳар бир инсон бунга бефарқ бўлмаслиги лозим. Тинчлик ва фаровонликка раҳна солувчи терроризм, диний экстремизм, фундаментализм, гиёҳвандлик каби иллатлар мавжуд экан, барча инсоният сергак бўлиши зарур.

Ҳақиқатан ҳам ён қўшини бўлган Афғонистонда ҳамон носоголм вазиет ҳукм сурмоқда. Гиёҳванд моддалар етиштириш ҳамда сотиш аввалги йилларга нисбатан бир неча баробар ортган. Маълумотларга қараганда, бундан беш йил илгари 900-1000 гектар майдонда гиёҳванд моддалар етиштирилган бўлса, ҳозирга келиб, 2000 гектарга етган.

Бу иллат бизнинг ёшларга ҳам ўз таъсирини ўтказиб, улар орасида гиёҳванд моддаларга ружу қўяётганлари учрамоқда. Ана шундай даврда ёшларни асраш, уларнинг миллий мафқурасини шакллантириш, маънавиятини юксалтириш, Ўзбекистондек муқаддас юртга муносив фарзандлар бўлиб етиштирилиши учун бор куч ва имкониятларни сафарбар этиш бутун жамоатчиликнинг муҳим вазифасига айланмоғи лозим.

Аҳолининг кўчқоров, Тошкент ҳарбий округи прокурори Ўрдамчиев, Иzzатилла ЛУТФУЛЛАЕВ, округ катта терговчиси.

— Халқаро ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларига қарамай, бугунги кунда дунёда ҳамон «олови нукталар», худудий ва минтақавий низолар, миллий ва диний зиддиятлар хавфи, иқтисодий ва ижтимоий

таҳдидлар сақланиб турибди, — деди Президентимиз. — Афғонистондаги беқарорлик, гиёҳванд моддалар ишлаб чиқаришнинг ҳамма ортаётгани, мамлакатдаги халқаро коалиция кучларининг бу иллатларга қарши ҳаракатлари қўтилган натижани бермаётгани жиддий ташвиш туғдирмоқда.

Мустақилликнинг



3. ФЕРМЕР - ЕТАКЧИ КУЧ

Қишлоқ хўжалик тармоғининг кўлами ва ривожланиш даражаси бўйича ҳам Уртачирчиқ вилоятнинг энг йирик туманларидан бири ҳисобланади. Айниқса, асосий маҳсулот — пахта ва галла етиштириш бўйича вилоятда етакчи ўринлардан бирида бормоқда.

Тумандаги айрим ширкат хўжаликчлари ҳар йили пахта ва галладан барқарор юқори ҳосил олишдаги илгор тажрибалари, айниқса, иқтисодий салоҳияти билан вилоятдаги на эмас, балки, бутун республикага танилган.

Бугунги кунда Охунбобоев номли ширкат хўжалиги асосан пахтачилик ва галлачиликда ишлаб чиқариладиган техника воситалари билан ўз техника паркни бутлаш, ҳар бир тармоқни юқори рентабеллилик даражасига олиб чиқиш, хўжаликнинг иқтисодий салоҳиятини мустақамлаш йўлидан изчил бориб, бу муҳим масала-

ларда барчага намуна бўлаётди. Хўжаликда йилга 1000 гектар атрофидаги майдонда пахта, 800 гектардан зиёд ерда галла етиштирилади.

Бу йил 820 гектар майдонда ҳар галликдек мўл галла етиштирилди. Урим-йғимни бошлаш олдидан 165 ишловчини ўзига бирлаштирган 65 та оилавий пудратчи билан ўртача 42,5 центнердан ҳосил олиб, жами 3485 тонна дон етиштириш юзасидан шартнома тузилган.

Айни вақтда хўжаликнинг 1000 гектар майдондаги гўзаси дуркун ривожланиб, ёппа шоналади. Гектарлар

Ўртачирчиқ тумани:

ИСЛОҲОТ ОЧАЁТГАН ИСТИҚБОЛ БУЛОҚЛАРИ

тўлик, кўчатлар бут.

Хўжалик раҳбарияти 2001-2005 йилларда техника паркни 90 фоиз янгилашга эришди. Шу даврда ўз маблагига учта Т-4А, иккита ВТ-150 тракторлари, учта ОВХ-600 мосламаси, тўртта плуг сотиб олинди. Техника паркни бутлашда, айниқса, лизинг хизмати-дан оқилона фойдаланилди.

Ҳозир хўжалик ўзининг 10 та «Ўзбекистон» пахта териш машиналарига эга. Улар ёрдамида жами ҳосилнинг камидан учдан бир қисmini териш олиш имконияти бор. Шунингдек, хўжаликнинг мавжуд дон комбайнлари ўзига етиб ортади.

Бироқ, ширкат хўжаликчлари кай даражада барқарор иш юритмасин, қанчалик иқтисодий бақувват бўлмасин, барибир, қишлоқ хўжалигининг келяжак тақдири фермерлик




ҳаракати билан боғлиқ.

Бугунги кунда туманда 483 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, улар 21 миң 657 гек-

тар майдонда деҳқончилик қилмоқда. Янги фермер хўжаликчлари ташкил этилган ҳудудларда

уларга ҳар томонлама мукамал хизмат курсатадиган инфратузилмалар барпо қилишга алоҳида эътибор берилди. Жумладан, 3 та минибанк, 8 та муқобил МТП очилди. Шунингдек, 7 та ёнилғи-мойлаш ва 6 та минерал ўғитлар сотиладиган шаҳобча, 5 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси тузилди.

— Биз, фермерларга фаолиятимизни барқарор йўлга қўйиб олишимиз, еримизни кенгайтириб, маҳсулот етиш-



СУРАТЛАРДА: Охунбобоев ширкат хўжалигининг пудратчилари қабул пунктига жўнатилаётган ҳосилни ҳисоб-китоб қилмоқдалар; «Валижон-Фатҳиддин» фермер хўжалиги бошлиғи Тўлқин Каримов дала ишчилари билан текис шонага кирган гўза ниҳолларини кўздан кечиришяпти.

нинг етарли техникасига эга бўлгани яхши.

Тўғри, Т. Каримов бошқараётган «Валижон-Фатҳиддин» фермер хўжалигининг 104,2 гектар ери бор. Шундан 54 гектариди пахта етиштирилади. Фермер ўтган йилги даромад ҳисобидан битта ҳайдов ва иккита чопик трактори сотиб олди. Шунингдек, лизинг усулидан фойдаланиб, ТТЗ-80 ва ВТ-150 тракторларини харид қилди.

Айтиш мумкинки, бутун мамлакатда бўлганидек, Уртачирчиқ тумани қишлоқ хўжалик тармоғида ҳам фермерлар етакчи кучга айланиб бормоқдалар.

— Томск вилояти ваколатхонасининг Ўзбекистонда очилиши икки томонлама манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга замин яратди, — деб таъкидлади Томск вилояти губернатори ўринбосари Александр Черевко. Томскта ўтказилган бизнес анжуманида.

ҲАМКОРЛИК ИМКОНИЯТИ

Мазкур тадбир Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ҳамда Томск вилояти маъмурияти ташаббуси билан ташкил этилди.

А. Черевконинг таъкидлашича, Томск вилояти савдо-иқтисодий соҳа вакиллари-дан иборат делегация ташрифидан қўзланган асосий мақсад, турли жабҳаларда икки томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштиришдан иборат. Делегация ўрмончилик, машинасозлик, нефть ва газ, таълим соҳасидаги 35 корхона раҳбарларидан таркиб тошган. Кооперацион кимосиди савдоси доирасида олиб борилган музокараларда ҳамкорлик истиқболлари ҳамда кўшма корхоналар тузиш учун инвестицияларни жалб этиш имкониятлари муҳокама қилинди.

«Туркистон-пресс».

ҚУРҒОҚЧИЛИК ВА ШҮРЛАНИШГА ҚАРШИ

Тошкент Давлат аграр университетда «Экосан» халқаро ташкилоти ҳамда Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамкорлигида «Саҳроланмиш ва қурғоқчилик муаммоларини бартараф этишда фуқаролик жамияти, олимлар ва журналистларнинг ўрни» мавзусида учрашув ўтказилди.

БМТнинг атроф-муҳит дастури (ЮНЕП) берган маълумотларга қараганда, дунё бўйича 250 миллион киши чўлланмиш жараёни оқибатларининг салбий таъсирини сезмоқда. Шу боис ҳам, тупроқ деградациясининг салбий оқибатлари бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб турибди. Шу муносабат билан жорий йил БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан «Саҳролар ва саҳроланмишга қарши курашиш» йили, деб эълон қилинди.

Учрашувни ўтказишдан асосий мақсад, мазкур масалага эътиборни қаратиш ва ҳудудимизда қурғоқчиликнинг олдини олиш борасида музокараларда ҳамкорлик истиқболлари ҳамда кўшма корхоналар тузиш учун инвестицияларни жалб этиш имкониятлари муҳокама қилинди.

Мутахассислар чўлланмишга қарши курашнинг асосий йўналиши сифатида деградацияга учрамаган ёки бу жараёнинг бошланғич босқичидаги ерларда профилактика ишларини амалга ошириш кераклигини эътироф этишмоқда. Шунингдек, суғоришда сувни тежовчи технологияларни амалиётга татбиқ этиш, дренаж тизимларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, республика ер фонди ҳолатини мониторинг қилиш кўламини кенгайтириш каби чораларнинг самардорлигини ошириш зарурдир. Йиғилиш иштирокчилари шўрланиш жараёнининг олдини олиш мақсадида мавжуд коллектор ва дренаж тизимларини техник реконструкция қилиш, ерларни тўлиқ ювишдан ўтказиш муҳимлигини таъкидлашди.

«Туркистон-пресс».

Тошкент вилоят давлат педагогика институти 2006-2007 ўқув йили учун кундузги ва махсус сиртқи бўлимларга қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

- Кундузги бўлим
Ўқиб ўзбек тилида олиб бориладиган мутахассисликлар
1. Математика ва информатика
2. Физика ва астрономия
3. Кимё ва экология
4. Биология ва ҳаётий фаолият хавфсизлиги
5. География ва иқтисодий билим асослари
6. Тарих
7. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
8. Педагогика ва психология
9. Меҳнат таълими
10. Мусиқий таълим
11. Ўзбек тили ва адабиёти
12. Чет тили ва адабиёти (инглиз)
13. Мақтабача таълим ва болалар спортини
14. Миллий истиқлол юриси; ҳуқуқ ва маънавий асослари
15. Бошланғич таълим, спорт ва тарбиявий иш
16. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият

- Ўқиб рус тилида олиб бориладиган мутахассисликлар
1. Математика ва информатика
2. Рус тили ва адабиёти
3. Чет тили ва адабиёти (инглиз)
4. Бошланғич таълим, спорт ва тарбиявий иш
5. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият
6. Тарих

- Ўқиб қозоқ тилида олиб бориладиган мутахассислик
1. Қозоқ тили ва адабиёти
Ўқиб тожик тилида олиб бориладиган мутахассисликлар
1. Бошланғич таълим ва тарбиявий иш
2. Тожик тили ва адабиёти

- МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМ
Бу бўлимга фақат педагогика билим юрталарини тугатган ва тегишли таълим тури бўйича камида 3 (уч) йил амалий педагогик стажига эга бўлган педагог кадрлар қуйидаги мутахассисликлар бўйича тест синовари орқали I-босқич талабалари сафига қабул қилинади (Ўқиб муддати 3 йил)
1. Бошланғич таълим, спорт ва тарбиявий иш (Ўзбек, рус)
2. Мақтабача таълим ва болалар спортини (Ўзбек, рус)
3. Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
4. Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият (Ўзбек, рус)
5. Меҳнат таълими
6. Мусиқий таълим
Кўрсатилган мутахассисликлар бўйича ўқув машғулотлари ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

- ИЖОДИЙ (КАСБИЙ) ИМТИҲОНЛАР ОРҚАЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН МУТАХАССИСЛИКЛАР
1. Бошланғич таълим, спорт ва тарбиявий иш (тожик гуруҳи) мутахассислигига ҳужжат топширган абитуриентлар тожик тили ва адабиётини (ёзма), математика (ёзма), тарихдан (озаки) имтиҳон топширадилар.
2. Қозоқ тили ва адабиёти мутахассислигига ҳужжат топширган абитуриентлар қозоқ тили ва адабиётини (ёзма), тарихдан (озаки) имтиҳон ва чет тилдан тест топширадилар.
3. Тожик тили ва адабиёти мутахассислигига ҳужжат топширган абитуриентлар тожик тили ва адабиётини (ёзма), тарихдан (озаки) имтиҳон ва чет тилдан тест топширадилар.
«Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият», «Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси», «Мусиқий таълим» мутахассисликларига ҳужжат топширган абитуриентлар асосий мутахассисликлари бўйича ижодий имтиҳон топширадилар. Абитуриентлар, шунингдек, кўрсатилган мутахассисликларга тегишли бложик фанлар бўйича тест синоваридан ўтадилар.

АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ 20 ИЮНДАН 20 ИЮЛАГА, ТЕСТ СИНОВАРИНИ КУНДУЗГИ ВА МАХСУС СИРТҚИ БЎЛИМЛАР УЧУН 1 АВГУСТ КУНИ ЎТҚИЗИЛАДИ

- Институтни грант асосида битирган талабалар ўз мутахассисликлари бўйича 3 йил ишлаб беришга мажбур.
ЎҚИШГА КИРUVЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРАДИЛАР:
1. Ректор номига ариза.
2. Маълумоти ҳақида ҳужжатнинг асл нусхаси (аттестат, диплома).
3. 086/У нусхадаги тиббий маълумотнома
4. 6 дова 3x4 ўлчамдаги фотосурат
5. Паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақида ҳужжат шахсан кўрсатилади ва улардаги маълумотлар қай қилинади.

Институтимизда талабалар учун спорт заллари, кутубхоналар, замонавий компьютерлар билан жиҳозланган интернет марказлари, ошхоналар ва талабалар уйи мавжуд. Ўқиб давомида талабалар компьютер саводхонлигини оширадilar, интернет тармоғидан фойдаланиш учун барча шароитлар яратилган.

Тошкент вилоят давлат педагогика институтига ўқишга марҳамат!

Jaholatga qarshi ma'rifat bilan

Mahmud TOIR, O'zbekiston xalq shoiri. OGOH BO'L, DUNYO

Matbuot orqali ham, xorij safarlarida ham doimo takrorlayman - terrorga qarshi kurashish kerak. Birinchi gald, terrorchilarni tayyorlaydigan zaminga, g'oyaga, mafkuraga e'tibor berish, shularga qarshi kurashish kerak. Islom KARIMOV.

ASRAY BILGIN

Orzusi yo'q ko'kda ucholmas, Kurashmagan quvonch qucholmas. Tong otmasa, kun ham botmagay, Yaxshilik ham yerda yotmagay. Hurlik uchun kurashdingmi, ayt, O'ring uchun talashdingmi, ayt?.. Bahor har yil qaytib keladi, Ko'hna qo'shiq aytib keladi. Kelmas ekan har o'tgan kuning, Qaytmás hatto chekkan har uning. Bizdan qolsin shu ozod Vatan, Avlodlarga eng obod Vatan. Gul yuzida shabnamlar qolsin, Qolsin, yaxshi odamlar qolsin. Yaxshi mingta bo'lsa ham kamdir, Bitta yomon - mingta motamdir.

Ogohmisan, ayt, dunyo, Ogohmisan, ey odam? Nechun unda ko'zing yosh, Nechun unda boshing xam? Sodda dunyo, g'o'r dunyo, Peshonasi sho'r dunyo. Tirik turib o'zingga, Qaziydirlsan go'r dunyo! Ogohmisan, sen o'zi, Gumrohmisani sen o'zi? Tong sen uchun o'tmoqda, Sen deb kular kun ko'zi. Nechun axir bir-biring, Tig'lashni xush ko'rasan? Tig'lashni xush ko'rasan? Yig'lashni xush ko'rasan? Sodda odam, g'o'r odam, Ko'zi ochiq, ko'r odam. G'affat beshigi harom, Uyg'on endi, tur odam!

Dil ko'zin ochmoqqa hidoyat kerak, Vatan uchun har vaqt himoyat kerak. Vatan u jismingdir, Vatan joningdir, Qoningda qalqigan asl shoningdir.

G'am-anduh so'ramay tushar boshingga, Og'ular qo'shilar zumdá oshingda. Balki u otangdir, balki bolangdir, Vatan deb jon bergan mangu nolangdir.

Qadim Toshkent, dardlaring ham ko'p qadim, Seni tinchlik beshigi deb atadim. Ko'zin tikkan senga juda ko'p erur, O'zin tikkan senga juda ko'p erur.

Razil to'da tinchligingga qo'ydi choh, Tuprog'ingda yotar necha begunoh. Burchimulla, Yangiobod tog'lari, Ko'ngillarni o'rtar armon dog'lari.

Sizda oqdi ne mardlarning qonlari, El-yurt uchun fido bo'lib jonlari. Yurtim degan erlar elda bor bo'lsin, Ruhlariga mangu orom yor bo'lsin.

Bugun qayg'u boshimda botmon, Erta shamol senga ko'chirar. Terror - asl shafqatsiz to'fon, Tinch uyimga chiroq o'chirar.

Mag'ribdama va yo Mashriqda, Ozor topsi odam bolasi. Qulog'ingni solar qomatga, Yetib kelgan ohu nolasi.

Derlar, bo'lsin umring ziyoda, Kingga yoqmas xush orzu, niyat. Tomoshaga o'ch bu dunyoda, Tomoshabin bo'lmoq jinoyat.

(Davomi. Boshi o'tgan sonlarda).

(Davomi bor).

2006-2007 ўқув йили учун ТВДПИ бўйича қабул квотаси (кундузги бўлим, бакалаврият)


Table with columns: Шифр, Таълим бўлими, қабул режа, Грант, контракт, Ўқитиш тили (Ўзбек, Рус, Тожик, Қозоқ), Грант, контракт.

2006-2007 ўқув йили учун ТВДПИ бўйича қабул квотаси (махсус сиртқи, бакалаврият)

Table with columns: Шифр, Мутахассислик, қабул режа, Грант, контракт, Ўқитиш тили (Ўзбек, Рус), Грант, контракт.

2006-2007 ўқув йили учун ТВДПИ бўйича қабул квотаси (кундузги бўлим, магистратура)

Table with columns: Шифр, Мутахассислик, қабул режа, Грант, контракт, Ўқитиш тили (Ўзбек), Грант, контракт.



Манзил: Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри, 48-даҳа, 1 «в»-уй. Тел.: (837166) 2-24-892-25-17, 2-61-79. Эл.почта: Tsvpi_info@edu.uz.

4. МАЪРИФАТ, МАДАНИЯТ, МАЪНАВИЯТ

хислатларини қалбига чуқур сингдира олган ёш авлод она юртининг буюк келажагини барпо эта олади

Ўртачирчиқ тумани:

ИСЛОҲОТ ОЧАЁТГАН ИСТИҚБОЛ БУЛОҚЛАРИ

Илми кишининг маданияти ҳам, маънавияти ҳам юқори бўлади. Булар инсоният учун аталган энг олий неъматлардир. Зеро, мамлакатимизда махсус Кадрлар тайёрлаш давлат миллий дастури ишлаб чиқилиб, босқичма-босқич амалга оширилаётгани бежиз эмас. Бутун вилоятда бўлганидек, Ўртачирчиқ туманида ҳам умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар тизимини талаб даражасида кенгайтириш, уларда таълим-тарбия ишлари савиясини кўтаришга ижтимоий



ислохотларнинг устувор йўналиши сифатида жиддий эътибор қаратилмоқда. Хозир туманда 74 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, шундан 59 таси ўрта, 14 таси таянч мактабларидир. Уларнинг 41 таси замонавий, 33 таси мустақиллик йилларида қурилган бўлиб, уларда таълим бераётган 2476 ўқувчининг 1745 нафари олий маълумотли, қолганлари тўлиқсиз олий ва махсус маълумотга эга педагоглардир. Илгирма таъғаракка эга ўқувчи ёшлар ижодиёт марказидан ташқари тумандаги умумтаълим мактабларида икки мингдан зиёд фан тўғараклари, олти мишга яқин компьютер синфлари фаол ишлаб турибди. 29 минг 700 ўқувчи тўғаракларга жалб этилган.

Илгирма таъғаракка эга ўқувчи ёшлар ижодиёт марказидан ташқари тумандаги умумтаълим мактабларида икки мингдан зиёд фан тўғараклари, олти мишга яқин компьютер синфлари фаол ишлаб турибди. 29 минг 700 ўқувчи тўғаракларга жалб этилган.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ



Йилда фаолият бошлаган иқтисодий-ижтимоий касб-хунар коллежи бугунги кунда вилоятдаги намунали илм-хунар муассасаларидан бирига айланди. Бу ерда 1100 ўқувчи бухгалтер-аудитор, молия, банк иши, ҳуқуқ ва ижтимоий ҳимоя, биржа фаолияти, халқаро бизнес, компьютер таъмирлаш ва дастурлаш, ҳужжатшунослик каби ўн та мутахассислик бўйича таълим олмақда. Коллежимизни битириб чиқатган ёш касб-хунар эгаларининг келажаги ҳақида аввалдан қайғуриш яқин аниқлашга айланган, дейди коллеж директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари Акбарали Абдуҷабборов. — Туман ҳокимлигининг меҳнат ва ижтимоий бўлими билан ҳамкорликда атроф-ҳудуддаги қорхона ва ташкилотлар билан талабаларимизни ишга жойлаштириш юзасидан узоқ мuddатга мўлжалланган истиқбол шартномалар тузмоқдамиз. Ушбу коллеж туманда болалар спортини ривожлантиришга ҳам салмоқли хисса қўшмоқда. Бу ерда замонавий андозадаги жиҳозларга эга ёпиқ спорт зали, тренажер хонаси, очик теннис корди, волейбол, баскетбол, футбол майдонлари, энгил атлетика йўлаклари ёшлар ихтиёрида. Катта спорт мажмуаси қошидаги бокс, таэквандо, теннис, кураш, туризм каби тўғараклар спортсаварлар билан доимо гавжум.

Юқорида таъкидланганидек, Ўртачирчиқ вилоятнинг энг кўп аҳоли яшайдиган туманларидан. Бу эса, табиийки, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ишларида алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади. Бугунги кунда туман марказий шифохонаси тизимиде марказий хамда стоматология поликлиникалари, 6 та кишлоқ врачлик амбулаторияси ва 13 та кишлоқ врачлик пунктлари, туғруқхона, болалар шифохонаси, шунингдек, марказий шифохона қошидаги урология, офтальмология, умумий жарроҳлик бўлимлари аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Туманда маданият ишлари кўлами ҳам йил сайин кенгайиб бормоқда. Айни вақтда битта маданият саройи, 8 та клуб муассасалари маънавий-маърифий тарбия ўчоғига айланган.

Абдусамад Йўлдошев, Мунаввара ИСОҚЛОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

ЗЎРДАН ЗЎР ЧИҚҚАНДА...

Футбол бўйича 18-Жаҳон чемпионатида яна бир қутилмаган натижа қайд этилди. Гуруҳ аутсайдери Гана Чехияни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, кўпчилиқ муҳлисларда катта қизиқиш уйғотди.



Гана жаҳон чемпионатида илк мартаба иштирок этмоқда. Сўнгги 20 йил ичида мамлакат кўпгина маҳоратли футболчиларни етказиб берганлиги сабабли «Қора юлдузлар» номини олган. 4 марта Африка кубогини кўлга киритган. Германияга йўлланма олиш ҳам осон кечмади. Саралаш баҳсларида Африканинг энг кучли жамоаларидан бири Жанубий Африка Республикаси футболчилари қаршиликчи синдиришга тўғри келди.

Ўзини кўрсатиши қутилган эди... «Кирол», «Шимоллик мўъжиза» ёки оддийгина Шева номлари билан машҳур бўлган, ҳали футбол бўйича жаҳон чемпионатларида тўп сурмаган суперҳужумчи афсонавий Марко Ван Бастендан ҳам кўпроқ гол урган. Ўзи уйнаган барча жамоаларда етакчига айланган. Андрейнинг кучли жиҳатлари — юқори тезлик, бош билан яқши ўйнаш, дриблинг ва ҳар икала оёғида ҳам тўпни бемалол дарвозага йўллай олишидир. «Милан» билан 2004 йили Европа чемпионлар лигаси ва Суперкубогини кўлга киритиб, Европанинг энг яқши ўйинчиси бўлган эди. Россиялик миллиардер Роман Абрамович тақлифини қабул қилган Шевченко «Челси» аъзосига айланди.

Хозир Гана Майкл Эсен, Али Мунтари ва саралаш ўйинларини жуда самарали ўтказган Асамоа Гьян каби кучли футболчиларга эга. Майкл Эсен авваллари Франциянинг «Лион» жамоасида тўп сурган ва айни дамда «Челси»нинг асосий таркиб ўйинчиси ҳисобланади. Али Мунтари эса Италиянинг «Удинезе» жамоасида ишонган ярим ҳимоячидир. Жамоа сардори ҳужумчи Стефен Аппиа 8 йил давомида Италия «А» серииси клубларида ўйнаган. Айни дамда Туркиянинг «Фенербахче» жамоаси аъзоси. Чап оёғида жуда яқши ўйнай оладиган Стефен терма жамоадаги энг тажрибали ўйинчидир.

Саралаш учрашуварларида 6 та тўп киритган Шева 18-Жаҳон чемпионатидан умиди катта ва бу оруз ушаладиган кўринади. Украина вакиллари 19 июнь куни Саудия Арабистонини терма жамоасини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Голларнинг бирига Шева муаллифлик қилди.

Мазкур чемпионатда Украина терма жамоаси ҳужумчиси Андрей Шевченко

Агар Украина жаҳон кубогини кўлга киритса, жамоага 28,5 миллион доллар тўланади. Демак, ҳар бир ўйинчига бир миллион доллар берилади. Украинаник саноатчи Суркис мабодо жамоа 1/8 финалга чиқса, ҳар бир ўйинчига 100 минг доллардан беришини таъкидлади. Чорак финалдаги жамоага 4,5 миллион доллар — бу дегани ҳар бир ўйинчига 200 минг доллардан тегади. Ярим финал учун Суркис икки баробар кўп ҳақ тўлашини таъкидламоқда.

САМАРАЛИ ТУР

Футбол бўйича мамлакат миллий чемпионати олий табақа жамоалари ўн тўртинчи тур учрашуварини ўтказдилар.

Саккиз учрашувдан олти тасида майдон эгалари, икки учрашувда эса меҳмонлар галаба қозонди. Дарвозаларга 26 та тўп киритилди. Вилоятимизнинг олий табақадаги ягона вакили «Металлург» Тошкентда «Локомотив» жамоаси билан баҳс юритди. Учрашувнинг дастлабки дақиқалари ҳар икки жамоанинг кўтаринки руҳдаги ўйинлари билан муҳлисларни қувонтирди. «Локомотив» ҳужумчиси Марсель Игиатулин учрашувнинг 23-дақиқасида ҳисобини очшига муваффақ бўлди. Иккинчи бўлимда Вагиф

Рустамов шогирдлари кетма-кет ҳужум уюштиришган бўлсалар-да, дарвозани ишғол қилишга эриша олмадилар. «Локомотив» очколарини 19 тага етказиб, «Металлург», «Тўпаланг» ва «Трактор» жамоаларини ортда қолдириб, саккизинчи ўринга кўтарилиди. «Металлург» эса бу мағлубиятдан сўнг ўн иккинчи ўриндан ўн иккинчи ўринга тушиб қолди. Бошқа учрашуварларда

Куйидаги натижалар қайд этилди: «Андижон» — «Навбахор» — 2:1, «Кизилқум» — «Хоразм» — 5:3, «Шўртан» — «Трактор» — 3:2, «Пахтакор» — «Машъал» — 3:0, «Насаф» — «Бухоро» — 1:0, «Сўғдиёна» — «Самарқанд-Д» — 0:1, «Тўпаланг» — «Нефтчи» — 2:3. Навбатдаги ўн бешинчи тур учрашуварлари 24 июнда бўлиб ўтади. «Металлург» ўз майдонида Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоасини қабул қилади. Талъат ЮСУПОВ.

Қилмиш-қидирмиш

ТЕМИРНИНГ... ТИЛИ ЙЎҚ

Зангиотилик хусусий тадбиркор А.Йўлдошев қандай қилиб бўлмади даромад топиш тўғрисида узоқ бош қотиргач, ниҳоят шундай хулосага келди: «Темир сотаман! Хозир темирнинг бозори чаққон. Қувур, арматура... Ахир булар жарак-жарак пул-ку! Бошқа нарса билан савдо қиламан десанг, дарров гап-сўз чикади, текшир-текшир бошланади, айниқса солиқчилар... Темир билан кимнинг иши бор? Ким билиб ўтирибди? Темирнинг тили йўқки, шикоят қилса ёки гувоҳлик берса. Демак, масала ҳал.»

Бу фикр ўзига чунонам ёқиб тушдики, вақтинча ўтказмай, «ишни» бошлаб юборди. «Темирни қизиғида бос», деди ўзига ўзи мақол тўғридан бўлиб. Шундай қилиб, А. Йўлдошев бир неча тонна темир маҳсулотларини 6 миллион сўм ва 2500 АҚШ долларига сотиб, пулини нақд санаб олди. Олди-ю, ўз тақрирлигини руҳланиб, фаолиятини янада кенг қўламда давом эттиришни режалаштира бошлади. Бирок улғурмади — у фаолият кўрсатаётган «Каторгол» кишлоқ фуқаролар йиғини қўрилиши моллари маъсулияти чекланган жамияти бо-

«ҲАЖВИЯ — 2006»

Тошкентдаги Иқоу Хираяма номли халқаро маданият «Карвон — саройида» «Ўзбекистон-Исроил: Ҳажвия — 2006» кўргазмаси очилди. Ундан ўзбек ҳажвачи расомларининг асарлари ўрин олган.

— Хайфа шаҳрида ўтказиладиган «Хайфа — 2006» кўрик-танлови шу йўналишда ўтказиладиган йирик тадбирлардан саналади, — деди Исроилнинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Ами Мель. — Мазкур тадбир «Pencop» Исроил ҳажвачи расомлар уюшмаси, Хайфа шахар маъмурияти ва ЮНЕСКО учун миллий комиссия томонидан ташкил этилди. Кўрик-танлов икки босқичда, яъни «Таълим ва толерантлик» ва «Оила, жамият, спорт ҳамда Интернетда зўравонликнинг олдини олиш» каби йўналишларда ўтказилади. «Туркистон-пресс».



ЁЗ ҚУВОНЧЛАРИ

Пойтахтдаги «Гулшан» маданият ва истироҳат боғида имконияти чекланган ногирон болалар ижодиғига бағишланган анъанавий фестивал бўлиб ўтди.

«Умидворлик» — эътиборга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш маркази ташаббуси билан уюштирилган бу тадбир 2005 йил июнь ойида илк бора ўтказилган эди. Фестивал дастурига кўра имконияти чекланган болалар ижодий иш-

гирон болалар саломатлигини тиклаш маркази клуби ва бошқалар иштирок этишди. Фестивал қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, ЮНЕСКО халқаро ташкилоти, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили ва бошқа ташкилотлар ҳомийлигида таъйёрланган соғвалар билан тақдирланишди.

Суратларда: фестивал иштирокчилари; кўргазмани кўришнидан лавҳа. Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Юмшоқ ҳамда тезроқ пишувчан бўлади. Бундай гўшти олддин совуқ сув билан яхшилаб ювиш лозим. Ҳаддан ташқари серғ бўлиб кетган паловга гуруч солишдан олдин бир неча картошкани арчиб солсангиз, ёғини шимиб олади.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда фахрийлар кенгаши жамоаси вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Мирсамад Ағзамович Адиловага падари бузруквори Ағзам АДИЛОВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлиқ билдиради.

TOШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54. Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.